

*Расулова Дильфуза Валиевна –  
ББРОМ кафедра мудири, и.ф.д.  
Шаринов Қувондиқ Бахтиёрович –  
Тошкент давлат иқтисодиёт  
университетининг мустақил  
изланувчиси*

## **КАМБАҒАЛЛИКНИНГ МОҲИЯТИ, САБАБЛАРИ, КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР**

Аҳоли даромадлари ўртасидаги тенгсизликнинг вужудга келишига иқтисодий тизим ҳам таъсир кўрсатади. Бозор иқтисодиёти иқтисодий тизимлар ичида энг самаралиси, мукаммали сифатида тан олинса ҳам, бироқ унинг бир қатор зиддиятли ва камчилик томонлари бор. Бозор иқтисодиётининг энг катта зиддиятли томонларидан бири жамият аъзолари даромадларидаги тенгсизликнинг кучайиб бориши ва аҳолининг табақаланиши ҳисобланади.

Бундай иқтисодиёт ҳар қандай юксак даражада ривожланмасин даромадлар тенгсизлигини бартараф қила олмайди, фақат уни маълум даражада юмшатиш мумкин.

Демак, бозор иқтисодиёти шароитида даромадлар тақсимланиши ўртасидаги тенгсизликнинг вужудга келиши объектив ҳолат ҳисобланади. Даромадлар тенгсизлигини келтириб чиқарувчи умумий омиллар ҳам мавжуд бўлади. Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар Ш.Ш.Шодмонов, У.В.Ғофуровлар томонидан чоп этилган “Иқтисодиёт назарияси” дарслигида даромадлар тенгсизлигини келтириб чиқарувчи умумий омиллар сифатида қуйидагилар ажратилиб кўрсатилади:

- кишиларнинг умумий (жисмоний, ақлий ва эстетик) лаёқатидаги фарқлар;
- таълим даражаси ва малакавий тайёргарлик даражасидаги фарқлар;
- тадбиркорлик маҳорати ва таҳликага тайёргарлик даражасидаги фарқлар;
- ишлаб чиқарувчиларнинг бозорда нархларни ўрнатишга лаёқатлилиги (бозордаги ҳукмронлик даражасидан келиб чиқиб) даражасидаги фарқлар<sup>1</sup>.

Бозор иқтисодиёти шароитида даромад олиш чекланмаган. Демак, кишиларнинг жисмоний, ақлий ва эстетик лаёқати юқори бўлса, таълим даражаси ва малакавий тайёргарлик, тадбиркорлик маҳорати ва таҳликага


<sup>1</sup> Шодмонов Ш.Ш., Ғофуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: Iqtisod-moliya, 2010. – 728 бет.

тайёргарлик даражалари юқори бўлса, унинг даромади шунчалик даражада юқори бўлади. Математик тил билан айтганда уларнинг даромади плюс чексизликка (+∞) қараб интилади. Аксинча, кишиларнинг жисмоний, ақлий ва эстетик лаёқати паст бўлса, таълим даражаси ва малакавий тайёргарлик, тадбиркорлик маҳорати ва таҳликага тайёргарлик даражалари паст бўлса, уларнинг даромади шунчалик даражада паст бўлади. Математик тил билан айтганда уларнинг даромади минус чексизликка (−∞) қараб интилади. Қўпол қилиб айтганда кимнинг ҳисобига кимдир бой ёки қашшоқ (камбағал) бўлади.

Бундай шароитда давлатнинг даромадларни қайта тақсимлаш вазифаси даромадлар тенгсизлигидаги фарқларни камайтириш ва жамият барча аъзолари учун анча қулай моддий ҳаёт шароитини таъминлашга қаратилади.

Даромадлар табақаланишини аниқлашнинг кўпроқ қўлланиладиган кўрсаткичларидан бири дицел коэффициентини ҳисобланади. Бу кўрсаткич 10 фоиз энг юқори таъминланган аҳоли ўртача даромадлари ва 10 фоиз энг кам таъминланганлар ўртача даромади ўртасидаги нисбатни ифодалайди. Масалан, АҚШ ва Буюк Британияда бу нисбат 13:1га, Швецияда эса 5,5:1га тенг.

Ўзбекистонда 2000-2018 йилларда децил коэффициентининг 21,1 баробардан 6,1 баробаргача, квинтил коэффициентининг эса 9,9 баробардан 4,1 баробаргача камайиш тенденциясини келтириш мумкин (1-расм).



1-расм. Ўзбекистон Республикасида дециль ва квинтил коэффициентининг ўзгариши, баробар<sup>2</sup>


Мутахассислар фикрича, децил коэффициентини 5-7 баробар атрофида бўлиши энг мақбул ҳолатдир. Масалан, Германия, Франция, Австрия каби

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (stat.uz) маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 5-7 баробар, АҚШда – 15, Бразилияда – 39 баробарни ташкил этади.

Ялпи даромаднинг аҳоли гуруҳлари ўртасида тақсимланишини тавсифлаш учун аҳоли даромадлари тенгсизлиги Джини индекси кўрсаткичи қўлланилади. Унинг аниқланиш соҳаси 0 билан 1 оралиғини ( $0 < \text{Джини индекси} < 1$ ) ташкил этади. Бу кўрсаткич қанчалик катта бўлса, яъни 1,0 га интилса, тенгсизлик шунча кучли бўлади. Аксинча, 0 га интилса, жамият аъзолари даромадлари тенглашиб боради. Масалан, кейинги ярим аср давомида Джини индекси Буюк Британияда 0,39 дан 0,35 га қадар, АҚШда эса 0,38 дан 0,34 га қадар пасайган.

Мамлакатимизда яқин йилларгача бўлган даврда иқтисодий атамашуносликда “камбағаллик” деган тушунча қўлланилмас эди. Худди Ўзбекистонда умуман камбағал аҳоли йўқдай. Унинг ўрнига узоқ йиллардан бери “кам таъминланганлик” деган тушунча қўлланилиб келинди. Мамлакатимизда амалга оширалаётган самарали ижтимоий-иқтисодий ислохотлар натижасида кам таъминланган аҳоли улуши йилдан йилга камайиб бормоқда. Хусусан, уй хўжаликлари танланма кузатувлари маълумотларига асосан 2009 йилда Ўзбекистонда жами аҳоли таркибида кам таъминланганларнинг улуши 19,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилда 11,4 фоизни ташкил этди. Яъни, 1,7 баробардан ортиқроққа камайган (2-расм).



2-расм. Ўзбекистон Республикасида кам таъминланган аҳоли улуши, фоиз<sup>3</sup>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (stat.uz) маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

2-расмда келтирилган рақамларни Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Жаҳон банки тавсиясига кўра кам таъминланганлик даражаси кўрсаткичи кунлик 2100 ккалдан келиб чиқиб ҳисоблаган.

Аввало иқтисодий категория сифатида “қашшоқлик”, “камбағаллик” ва “кам таъминланганлик” деган тушунчаларнинг фарқига бориш керак. Бизнингча, “қашшоқлик” ва “камбағаллик” тушунчалари бир хил мазмунни ифодалайди.

**Қашшоқлик (камбағаллик)** – бу ҳаёт учун муҳим бўлган, энг зарур минимал эҳтиёжларни қондира олмайдиган, ишга лаёқатли бўлиб, ўз наслини давом эттириши мумкин бўлмаган шахс ёки ижтимоий гуруҳни иқтисодий ҳолатининг ўзига хос хусусиятидир.

Қашшоқлик маълум бир жамиятдаги умумий ҳаёт стандартларига боғлиқ. Маълум бўлган қашшоқлик меъёрларининг асосини, пул таъминоти кўрсаткичларини умумлаштирувчи, масалан, энг минимал даражада имконияти бўладиган оилавий даромад ёки истеъмол харажатларининг минимал миқдори каби кўринишда бўлади.

Худди марксистларники каби, ғарб либерал назариясида ҳам, қашшоқлик, шахс ёки унинг оиласи асосий ҳаётий эҳтиёжларни қондириш учун воситалар бўлмагандаги ҳолатни англатади.

Турли мамлакатларда ва турли хил тарихий даврларда, бу эҳтиёжлар турли йўллар билан баҳоланади.

**Мутлақ қашшоқлик**, аҳолининг турли гуруҳлари даромадларининг маълум бир минимал қийматга етиб бормаганлиги билан изоҳланади, энди у расмий равишда энг кам иш ҳақи ҳисобланади.

**Нисбатан қашшоқлик**, ёки совет терминологиясида, ишчиларнинг нисбий қашшоқлиги – бу шахснинг ёки оиланинг даромади маълум бир мамлакатнинг ўртача даромадидан ёки харажатларидан пастроқ бўлиши тушунилади. Яъни, одамлар очарчиликда қолмайдилар, аммо «ўртача пастда» яшайдилар, ўзларини кўп нарсадан маҳрумдай ҳис қиладилар.

**Қашшоқлик даражаси** – бу аҳоли жон бошига тўғри келадиган, ҳаёт кечириш учун даромади паст бўлган, одамлар сонининг бутун аҳолига нисбатидир.

**Қашшоқликнинг туби** – бу қабағал оилаларнинг ҳаёт кечириш учун энг кам даромаддан ҳам пастга тушиб кетиш даражасидир.

**Фақирликнинг чегараси** – камбағаллик чегарасининг 50% дан, яъни истеъмол минимумидан ошмайдиган жонбоши даромади<sup>4</sup>.

---

<sup>4</sup> <https://tarjumon.uz/5637>

Камбағаллик чегараси нима ва у қандай аниқланади деган савол туғилади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг камбағаллик чегарасини асосий товар ва хизматлар (озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, турар-жой ҳақини тўлаш, сув билан таъминлаш, электр энергияси, мактаб таълими, тиббий хизмат) учун зарур бўлган даромадлар сифатида белгилайди. Камбағаллик даражаси нисбий тушунча саналади ва муайян мамлакатдаги умумий фаровонлик даражасига боғлиқ. Камбағаллик мутлақ ва нисбий каби турларга бўлинади. Мутлақ камбағалликда кун кечирувчи одамлар биологик тирик қолишни таъминлайдиган минимал эҳтиёжларнигина қондиришлари мумкин.

Ҳукумат маҳаллий органлари аҳолининг кам таъминланган қатламларини аниқлаш, ижтимоий ҳимоя соҳасидаги вазифаларни аниқлаш мақсадида камбағаллик чегарасини белгилайди. Бунда турли мезонлардан фойдаланилади, бой мамлакатларда қашшоқлик чегараси, камбағал мамлакатларга қараганда юқорироқ.

Ҳозирги кунда Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, дунёда 736 миллион киши ўта камбағаллик шароитида кун кечирмоқда.

1990 йилда Жаҳон банки экспертлари камбағал давлатларда қўлланидиган стандартлардан фойдаланиб, дунёдаги камбағал аҳоли сонини ўлчашни таклиф қилишганди. 15 та давлатдаги камбағалликнинг миллий даражасини ўрганиб, харид қобилияти асосида валюта курсларини қўллаган ҳолда (харид қобилияти; бутун дунёдаги ана шу нархлар асосида ҳисобланади) қайта ҳисоблашди. Товар ва хизматлар тўплами нархини барча мамлакатларда тўғри таққослаш учун ана шундай қилинган.

Натижада экспертлар ўрганилаётган қашшоқ мамлакатларнинг олтитасида камбағаллик даражаси кунига бир киши учун 1 долларга яқин кўрсаткични ташкил қилади. Бу кўрсаткич илк халқаро қашшоқлик чегараси сифатида қабул қилинади.

Дунё мамлакатларидаги ҳаёт қийматидаги тафовутлар ортиб боргани сабабли Жаҳон банки глобал камбағаллик кўрсаткичини вақти-вақти билан қайта кўриб чиқиш заруриятига дуч келди. 2005 йилда банк дунёнинг энг қашшоқ мамлакатларида қабул қилинган камбағаллик даражаси асосида ана шу кўрсаткични қайта ҳисоблади. Натижада глобал қашшоқлик чегараси 1,25 долларгача кўтарилди. 2015 йилда чегара қайта кўриб чиқилди ва 1,9 долларгача ортди.

Бундан ташқари, Жаҳон банкида ўртадан паст, ўрта ва юқори– 3,2 доллар, 5,5 доллар ва 21,7 доллар даромадларга эга мамлакатлар учун камбағалликнинг юқори даражалари қабул қилинган. Банк мутахассислари бу кўрсаткичлар пул мезонларига асослангани ва улар таълим олиш, соғлиқни сақлаш хизматлари ва

сув ҳамда электр энергияси билан таъминланганлик каби жиҳатларни ҳисобга олмаслигини таъкидлашади.

1990 йилдан бошшаб ҳар йили Жаҳон банкининг «Камбағаллик ва ялпи фаровонлик» маърузалари эълон қилинади. Сўнгги маъруза 2018 йилнинг октябрь ойида чиқарилган. Ундаги асосий кўрсаткич қашшоқликнинг халқаро чегараси бир киши учун кунига 1,9 доллар миқдорида эканидир. Бироқ қашшоқлик бўйича янги таъриф ва ўлчамлар киритилмоқда. Жумладан, ижтимоий камбағаллик. Бу кўрсаткич мутлақ ва нисбий камбағаллик концепциясини бирлаштиради.

Бундан ташқари, камбағаллик даромадлар даражаси бўйича коммунал хизматлар (сув, электр энергияси), соғлиқни сақлаш ёки таълим олиш имкониятини акс эттирмагани учун кўп ўлчамли камбағаллик кўрсаткичи киритилди. Ана шу тушунчага мос равишда глобал даражадаги камбағаллар улуши монетар камбағаллик билан таққослаганда тахминан 50 фоизга юқорироқ.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, 736 миллион киши (аҳолининг 10 фоизи) ўта қашшоқлик шароитида (кунига 1,9 доллардан кам киримга эга), дунё аҳолисининг деярли ярми – 3,4 млрд киши – кунига 5,5 доллардан кам тушумга эга. Қашшоқлик даражаси энг юқори қитъа Африка, сайёрадаги энг қашшоқ мамлакатлар – Конго демократик республикаси (ўта қашшоқлик даражаси – 77,1 фоиз) ва Мадагаскар (77,6 фоиз)<sup>5</sup>.

Россиялик иқтисодчи олимлар Наталья Евгеньевна Тихонова ва Михаил Константинович Горшковлар Россияда аҳолининг камбағаллик сабаблари бўйича тадқиқотлар олиб боришган (1-жадвал).

*1-жадвал*

**Россияликларнинг камбағаллик сабаблари англаш (тушуниш) динамикаси, %<sup>6</sup>**

Камбағаллик сабаблари	2003	2013	2015
Алкоголизм, гиёҳвандлик	35	39	39
Касаллик, ногиронлик	37	40	35
Узоқ муддатли ишсизлик	41	41	31
Дангасалик, яшашга қодир эмаслик	22	23	31
Оиладаги муаммолар, бахтсизликлар	25	31	29
Ижтимоий таъминот бўйича давлат имтиёз (пособия)ларининг етишмаслиги	38	32	25
Иш ҳақини тўламаслик, пенсиянинг кечиктирилиши	47	19	24
Кам (ёмон) маълумот, паст малака	23	21	19
Одатий турмуш тарзини ўзгартиришни хоҳламаслик	19	18	18

<sup>5</sup> <https://tass.ru/info/7525997>

<sup>6</sup> Тихонова Н.Е., Горшкова М.К. Бедность и бедные в современной России. — Весь Мир, 2014. — 304 с.

Қариндошлар, дўстлар, танишларнинг ёрдами (қўллаб-қувватлаш) йўқлиги	20	20	15
Улар ота-оналарининг турмуш даражасининг пастлиги	20	19	13
Камбағал ҳудудда яшаш	17	17	12
Кўп сонли қарамликнинг мавжудлиги	17	17	10
Омадсизлик	14	13	10
Мигрантлар ва қочқинларни айблаш	5	4	5

Россияда камбағалликка олиб келувчи энг асосий сабаблардан бир алкоголизм ва гиёҳвандлик ҳисобланади. Бу энг салбий ҳолат сифатида қаралади.

Ундан кейинги ўринларда касаллик ва ногиронлик, узоқ муддатли ишсизлик турибди. Бу энди кўпроқ объектив омиллар билан боғлиқ.

Энг ёмони дангасалиқ, яшашга қодир эмаслик омили ҳисобланади. Энг ачинарлиси жадвал маълумотларига эътибор қаратар эканмиз, бу кўрсаткич йилдан йилга ортиб бормоқда. “Шарқда бир доно гап бор: “Камбағалликка ялқовлик кўшилса, бунинг давоси йўқдир”. Шу сабабли камбағалларни ялқовликдан фориғ этиш талаб қилинади. Муҳими, камбағалларга ишлаб пул топиб, тўқ яшашига шароит ва имконият яратиш керак”<sup>7</sup>.

24/7 Wall St. экспертлари Жаҳон банкининг ялпи миллий даромад (GNI) бўйича мамлакатлар рейтинги асосида дунёдаги энг бой ва қашшоқ мамлакатларни аниқлар рейтингини аниқлаган (2-жадвал).

<sup>7</sup> <https://review.uz/oz/post/> - Р.Р. Хасанов. Ўзбекистонда камбағаллик ва уни қисқартириш йўллари.

**Дунёдаги энг камбағал 25 та мамлакат<sup>8</sup>**

Ўрни	Мамлакатлар	Аҳоли жон бошига тўғри келувчи миллий даромад (МД) (2014), \$	ЯИМ, млрд.\$	Аҳоли сони, киши	Кутилаётган умр, йил
1.	Марказий Африка Республикаси	600	1,8	4 804 316	50,1
2.	Конго демократик Республикаси	650	33,0	74 877 030	49,9
3.	Либерия	700	2,0	4 396 554	60,5
4.	Бурунди	770	3,1	10 816 860	54,1
5.	Малави	790	4,3	16 695 253	55,2
6.	Нигер	920	8,2	19 113 728	58,4
7.	Гвинея	1120	6,6	12 275 527	56,1
8.	Мозамбик	1140	16,4	27 216 276	50,2
9.	Того	1290	4,5	7 115 163	56,5
10.	Гвинея-Биссау	1380	1,0	1 800 513	54,3
11.	Мадагаскар	1400	10,6	23 571 713	64,7
12.	Эфиопия.	1490	54,8	96 958 732	63,6
13.	Комор ороллари	1490	0,6	769 991	60,9
14.	Эритрея	1520	3,9	5 110 444	62,8
15.	Мали	1530	12,1	17 086 022	55,0
16.	Гамбия	1560	0,8	1 928 201	58,8
17.	Зимбабве	1630	13,7	15 245 855	59,8
18.	Руанда	1630	7,9	11 341 544	64,0
19.	Буркина-Фасо	1650	12,5	17 589 198	56,3
20.	Гаити	1730	8,7	10 572 029	63,1
21.	Уганда	1740	26,3	37 782 971	59,2
22.	Сьерра-Леоне	1800	4,9	6 315 627	45,6
23.	Бенин	1850	8,7	10 598 482	59,3
24.	Афганистан	1960	20,8	31 627 506	60,9
25.	Жанубий Судан	2000	13,1	11 911 184	55,2

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, дунёдаги энг камбағал мамлакат Марказий Африка Республикаси ҳисобланади. Бу ерда 2014 йил маълумотлари бўйича аҳоли жон бошига тўғри келувчи миллий даромад (МД)

<sup>8</sup> <https://wfin.kz/novosti/ekonomika/item/30202-интернет> сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



600 \$ ни ташкил этади. Аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлиги эса 50,1 йилни ташкил этади. Бу жуда ачинарли ҳолат ҳисобланади.

Камбағалликнинг асосий кўрсаткичлари Жеймс Фостер (James Foster), Джоэл Гриер (Joel Greer) ва Эрик Торбеке (Erik Thorbecke) лар томонидан таклиф этилган формула бўйича аниқланади.

$$P_a = \frac{1}{H} \sum_{h=1}^q \left( \frac{Z_h - Y_h}{Y_h} \right)^a$$

Бу ерда:

$P_a$  – умумий камбағаллик даражаси (кўрсаткичи);

$a$  – қайси камбағаллик кўрсаткичи тўғрисида гап бораётганлигини кўрсатувчи параметр

$Z_h$  – алоҳида уй хўжалигининг  $h$  таркибига боғлиқ бўлган камбағаллик даражаси;

$Y_h$  – алоҳида олинган  $h$  уй хўжаликларининг даромадлилик даражаси;

$q$  – камбағал уй хўжаликлари сони;

$H$  – умумий уй хўжаликлари сони.

Фостера – Гриера – Торбекеларнинг формуласи асосида камбағалликнинг асосий кўрсаткичлари аниқланади.

• Камбағаллик коэффиценти ва камбағаллик даражаси ( $a = 0$ );

• Камбағаллик чуқурлиги индекси ( $a = 1$ );

• Камбағаллик жиддий (ўткир)лиги индекси ( $a = 2$ ).

**Камбағаллик коэффиценти** (камбағал уй хўжаликлари сонининг умумий уй хўжаликлари сонигаги улуши).

$$P_0 = \frac{1}{H} \sum_{h=1}^q \left( \frac{Z_h - Y_h}{Y_h} \right)^0$$

Камбағаллик коэффиценти фақат камбағалликнинг тарқалиш даражасини тавсифлайди ва камбағал уй хўжаликларининг даромади камбағаллик чегарасидан пастлигини аниқлашга имкон бермайди.

**Камбағаллик чуқурлиги индекси:**

$$P_1 = \frac{1}{H} \sum_{h=1}^q \left( \frac{Z_h - Y_h}{Y_h} \right)^1$$

Камбағаллик чуқурлиги индекси кам таъминланган уй хўжаликлари даромадларининг кам таъминланганлик чегарасига нисбатан қанчалик пастлигини аниқлаш имконини беради.

**Камбағаллик жиддий (ўткир)лиги индекси:**

$$P_2 = \frac{1}{H} \sum_{h=1}^q \left( \frac{Z_h - Y_h}{Y_h} \right)^2$$

Ҳинд иқтисодчиси, 1998 йилги иқтисодиёт бўйича Нобель мукофоти лауреати Амартя Кумар Сен учта омилни ўзида мужассам этган камбағалликнинг синтетик кўрсаткичи бўлган индексни таклиф қилди. Бу омиллар сифатида камбағалликнинг тарқалиши, камбағал одамларнинг моддий етишмовчилиги ва уларнинг даромадлар бўйича табақаланиш даражаси олинади. У қуйидаги формула бўйича ҳисобланади.

$$S = L \left( N + \frac{d}{P} G_p \right)$$

Бу ерда:

$S$  – Сен индекси;

$L$  – камбағал аҳоли улуши;

$N$  – ўртача даромад танқислиги (дефицит)нинг камбағаллик чегарасига нисбати;

$d$  – камбағал уй хўжаликларининг ўртача даромадлари;

$P$  – камбағаллик чегараси;

$G_p$  – камбағал уй хўжаликлари учун Джини коэффиценти (индекси).

Камбағаллик чегараси деганда даромаднинг шундай даражаси тушуниладики, ундан пастда одам охиригача ҳамма нарсдан маҳрум бўлади. Бошқача қилиб айтганда, унинг даромади яшаш даражасидан ортмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2020 йилнинг 27 февраль куни тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар бўйича видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев мамлакатдаги реал камбағаллик ҳолатига баҳо бериб, *“Камбағалликни камайтириш ойлик ёки нафақа миқдорини кўпайтириш, ёппасига кредит бериш, дегани эмас. Бунинг учун, энг аввало, аҳолини касбга ўқитиш, молиявий саводхонлигини ошириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини уйғотиш, инфратузилмани яхшилаш, фарзандларини ўқитиш, сифатли*

даволаниш, манзилли нафақа тўлаш тизимини жорий қилиш керак”<sup>9</sup>, деб таъкидлаб ўтдилар.

Давлат раҳбарининг қайд этишича, одамларга пул эмас, иш бериш керак. 30 йил давомида уларга пул бериш билан ҳеч нарса ўзгармаган. Камбағаллар уйида ётмаслиги керак. “Уларни ҳам ўргатиш керак. Ҳар бир Ўзбекистон фуқароси яшашига, дунёдаги бўлаётган глобаллашув, ўзгаришларга тайёр бўлиши керак. Камбағалларнинг ҳам дунёқарашини ўзгартириш керак. Уйида ётиш тизими тугади энди. Ишонтириш керак, ишонтириш керак, ҳайрихоҳ қилиш керак. Унда ҳам эртанги кунга умид уйғотиш керак. Энди пул эмас, иш беришимиз керак. Имкон яратишимиз, ўқитишимиз керак. Пул бериш билан ҳеч нарса ўзгармади 30 йилда. Энди манзилли ишга ўтамиз. Ҳар бир хонадонга асаларичилик, қуёнчилик, чорвачилик, узумчилик, лимончилик, тадбиркорлик, уддабуронлик, ҳунармандчилик – ҳаммасини ўргатамиз. Ўргатмасак, бўлмайди. Пул бериб, ташлаб кетиш билан натижа бўлмади. Мана шундай муҳит яратсак, ўшанда ўзгариш бўлади”.

“Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 12-15 фоиз ёки 4-5 миллион аҳолимиз камбағал. Бу уларнинг бир кунлик даромади 10-13 минг сўмдан ошмаяпти, дегани. Ёки бир оилада машина ҳам, чорва ҳам бўлиши мумкин, лекин бир киши оғир касал бўлса, оила даромадининг камида 70 фоизи уни даволатишга кетади. Хўш бундай оилани ўзига тўқ дейиш мумкинми? Президент сифатида мени одамларимизнинг овқатланиши, даволаниши, болаларини ўқитиши, кийинтириши каби ҳаётий эҳтиёжлари нима бўлаяпти, деган савол ҳар кун қийнайди,”<sup>10</sup> – деб таъкидлайди Шавкат Мирзиёев.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш борасидаги ишларни самарали амалга ошириш мақсадида Президентнинг 2020 йил 18 февралдаги фармони ҳамда қарорига мувофиқ, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди. Маҳалла – туман (шаҳар) – вилоят – республика даражасида тадбиркорликни ривожлантириш ва камбағалликни камайтиришга масъул лавозимлар жорий қилиниб, вертикал тизим яратилди.

Бош вазирнинг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари лавозими ҳамда ҳукуматда алоҳида котибият ташкил этилди.

Ўзбекистон Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги сифатида қайта ташкил этилди.

<sup>9</sup> <https://www.pv.uz/uz/news/tadbirkorlikni-rivozhlantirish-va-kasbga-tajerlash-oral-kambaallikni-kamajtirish-choralari-belgilandi>

<sup>10</sup> <https://sputniknews-uz.com/society/20200227/13557112/Mirzиеv-kambaallikni-isartirish-masalasida-videoselektor-tkazdi.html>

Вазирликнинг ахборот хизмати хабар беришича, ушбу қарор либерализация ва бозор шароитида иқтисодий мақсадли бошқаришнинг шаффоф механизмларини яратиш зарурияти туғилганлиги сабабли қабул қилинган.

Бундан ташқари, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилиш бўйича тизимни ишлаб чиқиш, барча идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш талаб этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги ПҚ-4653-сон қарорига асосан “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги тўғрисида” НИЗОМ ишлаб чиқилди. Унга асосан янги ташкил этилган вазирликнинг камбағалликни қисқартириш борасидаги вазифалари қуйидагилар этиб белгиланди:

– иқтисодий ўсишнинг инклюзивлигини таҳлил қилиш ва таъминлаш, давлат бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат ташкилотлари, халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан камбағалликни қисқартириш бўйича стратегия ва дастурларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва мувофиқлаштириш;

– камбағалликни қисқартиришнинг аниқ дастак ва механизмларини ишлаб чиқиш, хориж тажрибасини инобатга олган ҳолда камбағаллик даражасини аниқлаш мезонлари ва баҳолаш услубиётини, ижтимоий таъминотнинг минимал стандартлари меъёрий асосларини ишлаб чиқиш;

– миллий барқарор ривожланишнинг мақсад ва вазифаларига эришиш чора-тадбирларини амалга ошириш, яшаш минимуми ва минимал истеъмол саватчасини ҳисоблаш методологиясини ишлаб чиқиш ҳамда аҳоли даромадлари табақалашувини ўрганиш бўйича тизимли ишларни олиб бориш ҳамда уларнинг давлат мақсадли дастурлари билан ўзаро мувофиқлигини таъминлаш;

– Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда меҳнат бозори ва унинг таркибини сифат жиҳатдан ривожлантириш, ишчи кучи миграцияси жараёнларини таҳлил қилиш, такомиллаштириш ҳамда меҳнат ресурсларини тақсимлаш борасида ўзаро мувофиқликдаги ишларни олиб бориш;

– Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Маданият вазирлиги билан биргаликда инсон капиталини ривожлантириш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Ҳозирги кунда коронавирус пандемияси келтириб чиқариши мумкин бўлган иқтисодий инқироз даврида камбағаллик даражаси янада ортиб кетиши мумкин. Бу ҳақда Жаҳон банкининг раҳбари Дэвид Малпасс маълум қилди. Унинг сўзларига кўра, “бу йил жаҳон иқтисодиётини “чуқур рецессия” кутмоқда.

Дунёдаги 60 миллионга яқин одам коронавирус пандемияси туфайли ўта камбағаллашади. Жаҳон банкининг таърифига кўра, кунлик даромади 1,9 доллар ва ундан паст бўлган одамлар “ўта камбағаллик” ҳолатида”<sup>11</sup>.

Малпасснинг тушунтиришича, “иқтисодиётни ривожлантириш учун тиббий фавқулодда вазиятларга қандай муносабатда бўлишни тезда ўрганиш керак. Бундан ташқари, ҳукумат камбағаллар ва хусусий секторни қўллаб-қувватлаши зарур”<sup>12</sup>.

Унинг қўшимча қилишича, “банк 15 ой ичида энг химоясиз мамлакатларга субсидия ва бошқа иқтисодий ёрдам шаклида 160 миллиард доллар ажратишни ваъда қилмоқда. Ҳозирга қадар маблағлар дунё аҳолисининг 70 фоизи жойлашган 100 та мамлакат ўртасида тақсимланган. 100 та мамлакатдан 39 таси Африка мамлакатларига тўғри келади”<sup>13</sup>.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазаларга асосланиб, мамлакатда камбағалликни қисқартириш бўйича тавсиявий характердаги қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқдик.

– камбағалликни даражасини аниқлаш учун миллий даромаднинг аҳоли жон бошига улуши, аҳоли даромадлари ва харажатлари каби бир қатор кўрсаткичлардан ташқари, аҳолининг уй-жой ва бошқа моддий бойликлар билан таъминланганлик даражаси, яшаш қиймати, натурал даромадлар, давлат томонидан ижтимоий соҳани қўллаб-қувватлашга қатилган чора-тадбирлар билан боғлиқ бошқа кўрсаткичларни ҳам киритиш керак. Бунинг учун миллий хусусиятларни ҳисобга олган камбағаллик даражасини аниқлашнинг методологиясини ишлаб чиқиш ёки такомиллаштириш зарур;

– камбағалликка олиб келувчи алкоголизм, гиёҳвандлик, қиморбозлик, одам савдосига қарши кескин курашиш;

– аҳолининг соғлиги жамият бойлиги ҳисобланади. Шунинг учун аҳолига сифатли ва арзон тиббий хизматларни кўрсатиш, ногиронлиги бор инсонларга уларга мос иш топишга кўмаклашиш, имтиёзлар бериш;

– аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш аҳолида боқимандалик, дангасалик ҳиссини уйғотиши керак эмас. Шунинг учун ижтимоий химояга муҳтож бўлган аҳолини манзилли равишда қўллаб-қувватлаш;

---

<sup>11</sup> <https://www.kommersant.ru/doc/4349503>

<sup>12</sup> <https://www.kommersant.ru/doc/4349503>

<sup>13</sup> <https://www.kommersant.ru/doc/4349503>

– кишилардаги дангасалик, ялқовлик хусусиятини камайтириш, уларни ўз қизиқишлари бўйича меҳнат қилиб даромад топишга қаратилган чоратadbирларни амалга ошириш;

– аҳолининг маълумотлилиқ (айниқса олий маълумотлилиқ) даражасини ошириш, касбий-малака даражасини ошириш бўйича масофавий (online) таълимни ривожлантириш;

– аҳолининг тадбиркорлик қобилиятини ошириш, йўқолиб кетган мулкдорлик ҳиссини қайта уйғотиш, мақсадли йўналишларда уларга имтиёзли кредитлар ва солиқ бўйича имтиёзлар бериш;

– аҳолининг мавжуд имкониятларидан (дейлик қишлоқ жойларида томорқа ерларидан) самарали фойдаланмаслиги учун жавобгарликни кучайтириш;

– аҳоли сонининг кескин даражада ошиб кетишини олдини олиш;

– аҳоли ўртасида анъанага айланган ўзбекчиликка хос бўлган дабдабали тўйлар, тарбирлар учун харажатларни қисқартириш ва бунинг учун жавобгарликни ошириш;

– аҳолини тадбиркорликка қизиқтириш, ўқитиш, уларни тадбиркорлик соҳасидаги билимларини ошириш мақсадида телевидения орқали ўз соҳасида улкан муваффақиятларган эришган етакчи тадбиркорлар орқали мастер-класслар ва суҳбатлар ташкил этиш, тадбиркорликни талқин этувчи фильмларни кўпроқ намойиш этиш ва бошқалар.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Тихонова Н.Е., Горшкова М.К. Бедность и бедные в современной России. — Весь Мир, 2014. — 304 с.
2. Шодмонов Ш.Ш., Гофуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. — Т.: Iqtisod-moliya, 2010. — 728 бет.
3. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси
4. <https://sputniknews-uz.com/society/20200227/13557112/Mirzиеv-kambaallikni-isartirish-masalasida-videoselektor-tkazdi.html>
5. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (stat.uz) маълумотлари.
6. <https://review.uz/oz/post/> - Р.Р. Хасанов. Ўзбекистонда камбағаллик ва уни қисқартириш йўллари.
7. <https://www.pv.uz/uz/news/tadbirkorlikni-rivozhlantirish-va-kasbgatajergilash-orali-kambaallikni-kamajtirish-choralari-belgilandi>
8. <https://tarjumon.uz/5637>
9. <https://tass.ru/info/7525997>
10. <https://wfin.kz/novosti/ekonomika/item/30202>
11. <https://www.kommersant.ru/doc/4349503>